



МУЛКНИ ОПЕРАТИВ БОШҚАРУВ ҲУҚУҚИ ИНСТИТУТНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ЮЗАГА КЕЛИШ

Б.А.Артиков

ИИБ Академияси фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси катта
ўқитувчиси

ARTICLE INFO

Received: 12th June 2023

Accepted: 19th June 2023

Online: 20th June 2023

KEY WORDS

*Ички ишлар органлари,
давлат мулки, мулкни
оператив бошқариш ҳуқуқи,
моддий-техник таъминот.*

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари мулкни оператив бошқариш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек ички ишлар органларида мулк ҳуқуқи вужудга келишининг асослари ва уни бошқаришга оид фикрлар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида давлат муассасаларининг оператив бошқарув ҳуқуқи қурилмасини қайд этилганлиги ички ишлар органлари тизимида ўзининг алоҳида аҳамият ва ўзига хос хусусиятга эга.

Ички ишлар органларини мулкни оператив бошқарув ҳуқуқининг юридик табиатини мулк ҳуқуқ тизимида тадқиқ этилиши фуқаролик ҳуқуқида энг долзарб ва етарли даражада ишлаб чиқилмаган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқнинг ҳуқуқий тузилмасини ҳар томонлама таҳлили фуқаролик муомаласида давлатга мансуб бўлган мулкдан фойдаланишда оператив бошқарув ҳуқуқи билан боғлиқ механизмни англаш ва унга баҳо беришга имкониятини беради.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий ҳаракат майдони жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ бўлса мамлакатимизнинг маъмурий бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни объектив равишда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида ҳам таъсир кўрсатади.

“Мулкни оператив бошқарув” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, илмий адабиётларда унинг таърифи ва тушунчаси тўғрисидаги қатор фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Чунончи, баъзи бир юридик адабиётларда «Мулкни оператив бошқарув ҳуқуқи чиқариш соҳасига мансуб бўлган фаолият»¹ деб тушунча берилган бўлса, бошқаларида уни ишлаб чиқариш соҳасига мансуб бўлмаган фаолият сифатида қаралади.² Баъзи бир олимлар «Мулкни оператив бошқарув ҳуқуқи товарлар

¹ Братусь С. Н. Эволюция функции хозяйственного договора // Гражданское право в экономике. – М., 1985. – С. 68.

² Материально-техническое обеспечение: адаптация к рынку. – Л.: Изд-во ЛФЭИ. 1991. – С.17.



айланувининг мустақил соҳасига мансуб» деб тан олсалар, бошқалар бу соҳанинг ўзига хос таърифга эгаллигини қайд этадилар³.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 178-моддасида қўйидагича таъриф берилган - Оператив бошқариш ҳуқуқи давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар деб таъкидланган ҳолатни қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ, ушбу моддани қўйидаги таҳрирда берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мулкни ишончли бошқариш шартномаси мулкни тасарруф этиш орқали фуқаролик ҳуқуқий муомиласига киритишни бевосита мақсад қилмаса-да, айнан мазкур фуқаролик-ҳуқуқий конструкцияси орқали мулкни фуқаролик муомиласига киритилади ва шу орқали унинг фойдали хусусиятлари фактик ва юридик маънода ўзлаштирилади. Бу ҳолат мулкни оператив бошқариш амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 178-моддасидаги берилган таърифдан ҳам англашилади. Мазкур таърифга кўра, мулкни оператив бошқарувчи мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки кўрсатилган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятларини олади. Бунда “мол-мулкни бошқариш” ушбу шартноманинг моҳиятини белгиловчи энг асосий фактик ва юридик ҳаракатлар мажмуини англатади ва иқтисодий-юридик категория сифатида кенг талқин этилади.

Иқтисодий жиҳатдан мулкни оператив бошқариш деганда, мол-мулк ва у билан боғлиқ ҳаракатлардан фойда ва даромад олишга қаратилган фаолият тушунилади. Юридик маънода эса мол-мулкни бошқариш тушунчаси мулк ҳуқуқи ва уни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунилади. Т.Г.Степанованинг фикрича, мол-мулкни ишончли бошқаришга нисбатан мол-мулкни “бошқариш” деганда, ишончли бошқарувчи томонидан бошқа мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкни қонун ёки шартномада белгиланган доирада мулкдор ёки у кўрсатган шахс (наф олувчи) манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш каби ҳаракатларни амалга ошириши тушунилади¹.

Мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи тушунчасининг тарихи ва ушбу ҳуқуқ нормасининг кириб келишига илк бор россиялик олим академик А.В. Венедиктов 1930-йилларнинг бошларида асос солган ҳисобланади. Академик А.В. Венедиктов ушбу нормага қўйидаги таъриф берган “Давлат мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ушбу мол-мулкни давлат ташкилотига ўтказиши назарда тутилган эди. Ушбу ҳуқуқ ташкилотга ушбу мулкка ўз номидан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва маълум даражада тасарруф этиш имкониятини беради.”

³ Азарович В. Н., Равинский М. М. Договоры в материально-техническом снабжении. – М.: Юридиздат, 1981. – С. 46.

¹ Степанов, Т.Г. Гражданско-правовой режим доверительного управления недвижимым имуществом: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М.: 2005. – 12 с.



Академик А.В. Венедиктов оператив бошқариш ҳуқуқи масаласидаги позицияни давлат мулкига бўлган ҳуқуқларни амалга оширишнинг янги усули сифатида асослаб берди. Масалан, у “социалистик давлат - бу барча давлат мулкига нисбатан ўзлаштириш ҳуқуқи сифатида мулк ҳуқуқининг ягона ва ягона субъекти”, дейди. Давлат юридик шахсларига давлат томонидан уларга берилган мол-мулк учун оператив бошқариш ҳуқуқи берилади, яъни давлат мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича маълум ваколатлар берилади. Бундан ташқари, давлат ташкилотларининг ушбу ваколатлари “ўз кучлари билан эмас, балки уларнинг манфаатлари учун, ҳамда давлат томонидан тақдим этилган ҳокимият ва давлат манфаатлари учун” амалга оширилди. Шу билан бирга, давлат ташкилотларининг, шу жумладан мулк соҳасидаги бўйсунувчи позицияси таъкидланди: “ўз манфаатлари ва кучлари” йўқлиги, бу социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда “ҳаракат қилиш зарурлиги” билан ифодаланади ва партия ҳукуматнинг барча директивалари билан ва ишлаб чиқариш воситаларини ўз корхоналари ўртасида тақсимлаш орқали социалистик давлат уларга эгалик қилиш ҳуқуқини тўлиқ сақлаб қолганлигини ҳисобга олган ҳолда режа тузинг.

Совет ҳуқуқий тизими, шубҳасиз, А.В. Венедиктовнинг хулосаларида из қолдирди, уларнинг баъзилари ноаниқ эди. Узоқ вақт давомида олимларнинг мунозараси оператив бошқариш ҳуқуқи корхоналар, муассасалар ва уюшмаларнинг мустақил ҳуқуқи ёки бу фақат давлат ўз мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг бир усули эканлиги тўғрисида давом этди.

Ушбу ҳолдан келиб чиқиб илк бор оператив бошқариш ҳуқуқининг ҳуқуқи асоси сифатида 1961 йилда СССР Фуқаролик қонунчилигида қонуний равишда мустаҳкамланди².

Бундан ташқари ушбу норма Россия Федерациясининг Фуқаролик Кодексига асосан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида мол-мулк давлат корхонаси ва муассасасига ўтказилиши мумкин. Мулк оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бериладиган давлат корхонаси ва муассасаси, унинг фаолиятининг мақсадларига, ушбу мулк эгасининг вазифаларига ва ушбу мулкнинг мақсадларига мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган чегаралар доирасида ушбу мол-мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатига эга булади.

Мулкни оператив бошқариш мазмуни бошқарув муассиси мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича ўзига берилган ваколатларни бошқарув муассисининг манфаатларини кўзлаб, амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан англашилади. Бошқариш одатда мулкдор томонидан амалга оширилиши лозим бўлган турли хилдаги вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мажмуаси бўлиб, унинг таркибига фойдали мақсадларни ажратиб олиш (мол-мулкни истеъмол қилиш бундан мустасно) мақсадида мол-мулкни эксплуатация қилиш, хўжалик юритиш ёки ундан бошқача фойдаланиш қамраб олади. Бошқариш ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, мулк ҳуқуқидан ҳосила ҳуқуқ сифатида тушунилади. Мулкни оператив бошқарувчига ваколатлар бевосита мукдор томонидан берилади, бироқ уларнинг

² Гришаев С. П. Соотношение права собственности с правом хозяйственного ведения и оперативного управления // Гражданин и право. — М.: Новая правовая культура, 2010, № 1. — С. 81-87



ҳажми чекланган бўлиб, бу ваколатлар бевосита мулкдор томонидан берилади, бироқ уларнинг ҳажми чекланган бўлиб, бу ваколатлар фақат мулкдор ёки у томонидан белгиланган шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Бошқариш (иқтисодиётда) – хўжалик объектининг иқтисодий тизими ҳолатини тартибга солиш ва йўналтириш жараёни; субъектлар, идоралар томонидан кишилар ва иқтисодиёт субъектларига онгли мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишни билдиради; уларнинг фаолиятини йўналтириш ва кўзланган мақсадларга эришиш мақсадларида амалга оширилади³.

Бошқарув нимага ёки кимгадир раҳбарлик қилишдир. Бошқарув – бу мақсадга мувофиқ, яъни инсонлар томонидан ўзларининг ижтимоий ҳаёт фаолиятларига онгли равишда, олдиндан белгиланган тартибда ташкил этиш ва тартибга солиш таъсири бўлиб, бевосита (ўзини ўзи бошқариш шаклида) ёки махсус тузилган органлар ва тузилмалар (давлат органлари, жамоат бирлашмалари) орқали амалга оширилиши мумкин⁴.

Одатда “бошқарув” оммавий-ҳуқуқий категория сифатида тушунилади. Бироқ “мол-мулкни бошқариш” оммавий-ҳуқуқий тусга қараганда, хусусий-ҳуқуқий тусга яқинроқ бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан бошқарилиши талаб қиладиган объектларни муомалага киритиш ва улардан фойдаланишни ифодалайди. Бу ҳолатда “мол-мулкни бошқариш” категориясининг “иқтисодиётни бошқариш” категориясидан фарқлаш лозим. Х.С.Исламходжаевнинг фикрича, иқтисодиётни бошқариш давлат бошқарувининг турларидан бири ҳисобланади ва у қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади: у ёки бу ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган талабларни бажариши устидан ҳар томонлама назорат қилишни; тегишли муносабатлар қатнашчилари фаолиятининг умумий йўналишини уйғунлаштириш ва белгилашни, уларнинг қонуний манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни; иқтисодиёт соҳасида ўтказилаётган давлат сиёсатини белгилаш ва норматив жиҳатдан мустаҳкамлашни, давлат контрактлари (шартномалари) тузиш тартибини, рўйхатдан ўтказиш, лицензия бериш тартиби ва бошқа шу кабиларни белгилашни ҳам ўз ичига олади⁵.

Ички ишлар органлари мулкни оператив бошқаришда муайян вазирлик тизида амалда булган нормалар орқали тартиба солинади бундан ташқари ушбу ички ишлар органларига оператив бошқаришга берилаган мулкни бошқариш ва хизмат давомида фойдаланиш бошқарувчи томонидан белгиланган шартлар, муддатлар ва мақсадларга мувофиқ фойдаланишни кўзда тутди.

Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши мулкчиликнинг барча шакллари ривожланиши учун баб-баравар шароит яратилиши, жумладан хусусий мулкнинг таркиб топиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида жамиятнинг бошқарув тизимида тегишли демократик шакл

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, - Б. 185-186.

⁴ Ҳожиев Э., Ҳожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. – Тошкент: 2006. – Б. 14-16.

⁵ Исламходжаев Х.С. Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008. – 19 б.



ва усуллардан фойдаланиш, тадбиркорликнинг барча соҳаларида, чунончи хизмат кўрсатиш, моддий-техник таъминлаш соҳаларида ҳам эркин фаолият юритилиши билан ифодаланади. Бошқача айтганда, республикамизда бозор муносабатларига ўтилиши билан "... мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий-хўжалик тузилмалари билан хилма-хил муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташланади"⁶. Бу айтилган фикр эса ўз навбатида янги Фуқаролик кодекси, суғурта фаолияти⁷, банкротлик тўғрисидаги⁸, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги⁹, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги¹⁰ каби бир қанча тегишли қонунларнинг қабул қилинишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 165-моддасига асосан "Мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари"нинг мазмунига мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади деб кўрсатилган унга кўра "хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи" оид нормалар билан тартибга солинган.

Жумладан мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи хўжалик фаолиятини юритишда ҳамда хар қандай мулкдор бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан уларнинг мулккий ҳамда ушбу мулкка нисбатан мулкни оператив бошқариш ҳуқуқни пайдо бўлиши ёки бекор бўлиши оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳамда етказилган зарар масалалари ҳақида умумий ва махсус нормалар билан тартибга солинган.

Ички ишлар органларига бириктирилган мулкни оператив бошқариш асосан мулкни тасарруф этиш орқали фуқаролик муомиласига киритишни бевосита мақсад қилмасда, айнан мазкур фуқаролик-ҳуқуқий конструкцияси орқали мол-мулк фуқаролик муомаласига киритилади ва шу орқали унинг фойдали хусусиятлари фактик ва юридик маънода ўзлаштирилади. Бу ҳолат мол-мулкни оператив бошқаришга нисбатан амалдаги қонунчиликда берилган таърифдан ҳам англашилади. Мазкур таърифга кўра, мулкни опертив бошқариш мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади. Бунда "мол-мулкни бошқариш" шартноманинг моҳиятини белгиловчи энг асосий фактик ва юридик ҳаракатлар мажмуини англатади ва иқтисодий-юридик категория сифатида кенг талқин этилади.

Мулкни оператив бошқаришнинг мазмуни ишончли бошқарувчининг бошқарув муассисига мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва

⁶ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 201.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги 2002 йил 5 апрель қонуни // Халқ сўзи. – 2002. – 28 май.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги 1998 йил 28 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 168-м.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 1998 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-м.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги 2000 йил 25 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5-б. – 140-м.



тасаруф этиш бўйича ўзига берилган ваколотларини бошқарув муассисининг манфаатларини кўзлаб, бироқ ҳақ эвазига амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятидан англашилади. Мулкни оператив бошқариш одатда мулкдор томонидан амалга оширилиши лозим бўлган турли хилдаги вазифалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мажмуаси бўлиб, унинг таркибига фойдали мақсадларни ажратиб олиш (мол-мулкни истеъмол қилиш бундан мутасно) мақсадида мол-мулкни эксплуатация қилиш, хўжалик юритиш ёки ундан бошқача фойдаланиш қамраб олади. Бошқариш ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, мулк ҳуқуқидан ҳосила ҳуқуқ сифатида тушунилади. Мулкни оператив бошқарувчига ваколатлар бевосита мулкдор томонидан берилади, бироқ уларнинг ҳажми чекланган бўлиб, бу ваколатлар фақат у томонидан белгиланган шахс манфаатларини кўзлаб амалга оширилади¹¹.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органларида мулкни оператив бошқаришни моддий-техник таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари кенг кўламда амалга ошириш ва бу ҳолатни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагиларга асосланиб, ички ишлар органлари фаолиятида оператив бошқарув ҳуқуқи институти илмий таҳлилини ўтказиш зарурияти вужудга келмоқда ва бу мазкур соҳадаги тадқиқотнинг назарий ва амалий долзарблигини белгилаб беради.

¹¹ Горбунов В.В. Договор доверительного управления имуществом: Автореф. дис. канд. наук. – Екатеринбург: 2000. – с 8-9.